

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**ШНҚ 2.03.13-24 «ПОЛЛАР» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 июлда ҳисобга олинди,
ҳисоб рақами 262]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2023 йил 28 августдаги ПФ-151-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 апрелдаги 231-сон «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.03.13-24 «Поллар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 15 октябрдаги 480-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.03.13-19 «Поллар» қурилиш меъёрлари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 июнь,
01/2-21-сон
Келишилди:

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
Б. ЮСУПАЛИЕВ**

2024 йил 14 май

**«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси Табiiй пардозбop тошлар ва бошқа тош
махсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича раис ўринбосари Б. БОБОКУЛОВ**

2024 йил 15 май

Спорт вазирлиги А. ИКРАМОВ

2024 йил 16 май

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Х. УМАРОВА

2024 йил 17 май

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 27 май

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 7 июнь

ШНҚ 2.03.13-24 «Поллар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) ишлаб чиқариш ва турар жой объектлари, омборхоналар (енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, ўқ-дорилар, хавфли чиқиндилар, кимёвий воситалар, радиоактив, кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар, ёнувчан ва ёнмайдиган газлар, нефть ва нефть маҳсулотлари сақланадиган омборхоналар бундан мустасно), чорвачилик ҳамда жамоат биноларининг полларини лойиҳалашга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари олиб қўйиладиган ҳамда доимий музлик грунтларда жойлашган полларни лойиҳалашга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилган:

ШНҚ 2.01.04-18 «Қурилиш иссиқлик техникаси»;

ҚМҚ 2.01.08-19 «Шовқиндан ҳимоя»;

ШНҚ 2.09.15-23 «Музлаткичлар»;

ГОСТ ИСО 14644-1-2002 «Тоза хоналар ва улар билан боғланган назорат қилинувчи муҳит 1 Қисм. Ҳаво тозалигининг классификацияси» (*расмий манба: Чистые помещения и связанные с ними контролируемые среды. Часть 1. Классификация чистоты воздуха*).

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

турар жой объектлари — одамлар яшаши учун мўлжалланган бинолар, доимий яшаш учун уй-жойлар (хонадонлар), шунингдек вақтинча яшаш учун ётоқхоналар, меҳмонхоналар, мактаб-интернатлар, қариялар уйлари;

ишлаб чиқариш объектлари — одамлар ва технологик асбоб-ускуналар ишлаши учун зарур шарт-шароитлар таъминладиган ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун мўлжалланган бинолар ҳамда иншоотлар;

жамоат бинолари — одамларнинг вақтинча яшаши ва турли хил фаолият турларини амалга оширишлари учун мўлжалланган объектлар: маданият, жисмоний тарбия, спорт, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва ташкилотлари, банк-молия муассасалари, қурилиш-коммунал ташкилотлари алоқа, транспорт корхоналари ҳамда маъмурий бинолар;

полнинг антистатиклиги — пол қопламасида статик электрнинг тўпланмаслиги;

гидроизоляция — оқинди ёки грунт сувлари ва бошқа суюқликларнинг пол орқали сизиб киришига тўсқинлик қиладиган қатлам;

грунтли асос — устидан тўшама қатлам ёки лагалар остига таянчлар ўрнатиладиган грунт қатлами;

дренаж — ёмғир ва ерости сувларини четга чиқариш тизими;

полнинг товушни изоляциялаш қобилияти — ораёпмаларда пол орқали кирадиган шовқиннинг заифлашуви;

товуш изоляцияси қатлами — полнинг товушни изоляциялаш қобилиятини оширадиган элементи;

тўшаладиган қатлам — грунтга тушадиган юкларни тақсимлайдиган пол қавати;

қоплама — полнинг эксплуатация таъсирларига бевосита учрайдиган устки қавати;

пол — эксплуатация қилиш пайтидаги таъсирларни қабул қилиш ва ораёпма ёки грунт бўйлаб қайта тақсимлаш учун мўлжалланган бино (иншоот) элементи;

оралиқ қатлам — қопламани полнинг пастда жойлашган қавати билан боғлайдиган ёки қоплама учун эластик тўшама вазифасини бажарадиган оралиқ қават;

иссиқлик изоляцияси — полнинг умумий иссиқлик ўтказувчанлигини камайтирадиган пол элементи;

пол қатламининг иссиқликни ўзлаштириши — иссиқлик оқимининг даврий ўзгариб туришида пол қопламаси юзасининг иссиқликни у ёки бу даражада қабул қилиш хусусияти.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Полнинг конструктив ечимини танлашда қуйидаги талаблар таъминланиши лозим: полнинг эксплуатацион ишончилиги ва кўпга чидамлилиги; қурилиш материалларининг тежалиши; грунтларнинг мустаҳкамлик ва деформацияланиш тавсифларидан ва полларни ўрнатишда материалларнинг физик-механик хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш; ўрнатиш ва эксплуатация қилишда энг кам меҳнат сарфини таъминлаш; ўрнатиш жараёнларини максимал даражада механизациялаш; экологик хавфсизлик; одамларнинг ҳаракатланишидаги хавфсизлиги; одамлар учун мақбул гигиеник шароитлар; ёнғин ва портлаш хавфсизлиги.

4. Полларни лойиҳалаштиришда уларга тушадиган эксплуатация таъсирлари, махсус талаблар (учқун чиқармаслик, антистатиклик, электр ўтказувчанлик, чанг чиқармаслик, текислик, чидамлик, иссиқликни ўзлаштириш, товушни изоляциялаш қобилияти, нам ўтказмаслик, сирпанчиқлик) ва гигиена талаблари (дезинфекцияловчи воситалар таъсирига бардошлилик, осон тозаланиши), шунингдек қурилиш жойининг иқлимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Шовқиндан муҳофаза қилиш ҚМҚ 2.01.08-19 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

5. Полларга механик таъсирларнинг интенсивлиги қуйидаги 1-жадвал бўйича қабул қилиниши зарур.

1-жадвал

Механик таъсирлар	Механик таъсирларнинг интенсивлиги			
	ўта сезиларли	сезиларли	ўртача сезиларли	кам сезиларли
Йўлнинг 1 m кенлигида пиёдалар ҳаракати, 1 d (сутка)да одамлар сони			500 ва ундан ортиқ	500 дан кам
Ҳаракатланишнинг бир қаторида гусеницали транспорт ҳаракати, дона/d	10 ва ундан ортиқ	10 дан кам	Йўл қўйилмайди	Йўл қўйилмайди
Ҳаракатланишнинг бир қаторида резина ғилдиракли транспорт ҳаракати, дона/d	200 дан ортиқ	100-200	100 дан кам	фақат қўл аравачаларининг ҳаракатланишига йўл қўйилади
Ҳаракатланишнинг бир қаторида металл шинали аравачалар ҳаракати, юмалоқ металл предметларни ғилдиратиш, дона/d	50 дан ортиқ	30-50	30 дан кам	Йўл қўйилмайди
Қаттиқ предметларнинг 1 m баландликдан тушиш натижасидаги зарбалари, массаси kg да, кўрсатилгандан ортиқ бўлмаслиги керак	20	10	5	2

Ўткир бурчакли ва қиррали қаттик предметларни судраш	Йўл қўйилади	Йўл қўйилади	Йўл қўйилмайди	Йўл қўйилмайди
Полда учи ўткир асбоб (белкурак ва бошқалар) билан ишлаш	Йўл қўйилади	Йўл қўйилади	Йўл қўйилмайди	Йўл қўйилмайди

6. Суюқликларнинг полга кўрсатаётган таъсирини интенсивлиги қуйидагича ҳисобланади:

кам — суюқликларнинг полга унча катта бўлмаган таъсири, бунда пол юзаси курук ёки бироз нам бўлади, пол қопламаси суюқликларни шиммайди ҳамда хоналарни тозалашда полга сув қўйилмайди;

ўртача — пол вақти-вақти билан намланиб туради ва бу ҳолат қоплама сувни шимишига сабаб бўлади. Бунда, пол юзаси нам ёки ҳўл бўлади ҳамда суюқликлар пол юзасидан вақти-вақти билан оқиб туради;

катта — суюқликлар пол юзасида муттасил ёки тез-тез оқиб туради.

7. Полнинг ҳўл бўлган еридан суюқликнинг пойабзал ва транспорт шиналари орқали ҳар тарафга (ёндош хоналарни ҳисобга олган ҳолда) тарқалиш зонаси сув ва сувли эритмалар учун 20 m, минерал ёғлар ва эмульсиялар учун 100 m масофани ташкил қилади.

8. Полни (сув қўймасдан, шунингдек пол қопламалари тайёрланадиган материалларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тавсияларига мос келадиган ювиш воситаларидан фойдаланган ҳолда) ювиш ва унга тасодифий томчиларнинг сачраши, тушиши полга суюқликнинг таъсири сифатида ҳисобланмайди.

9. Суюқликлар полга ўртача ва катта интенсивликда таъсир кўрсатадиган хоналарда поллардаги қиялик қуйидагича бўлиши керак:

0,5-1 фоиз — чоксиз ва плитадан қилинган қопламаларда (бетон қопламалар бундан мустасно);

1-2 фоиз — ғишт ва барча турдаги бетондан қилинган қопламаларда.

10. Лотоклар ва каналлар қиялиги қўлланган материалларга қараб мос равишда юқорида кўрсатилганлардан кам бўлмаслиги, қияликларнинг йўналиши оқова сувлар, транспорт йўллари ва ўтиш жойларини кесиб ўтмай, лотоклар, каналлар ва трапларга оқиб тушиши керак.

11. Чорвачилик биноларида пол қиялиги гўнг йиғиладиган канал томон қуйидаги катталикларда бўлиши лозим:

0 фоиз — поли панжарали хоналарда ва гўнг механик тарзда йиғиладиган каналларда;

0,5 фоиздан кам бўлмаган — парранда сақланадиган хоналарда ва барча хоналардаги ўтиш жойлари бўйлаб лотокларда;

5 фоиздан кам бўлмаган — хоналарнинг технологик қисмларида (оғилхона ва молхона бўлмалари, катаклари);

6 фоиздан кўп бўлмаган — ҳайвонлар ва паррандалар семиртириладиган хоналар ва бинолар ўртасидаги ўтиш йўлакларида.

12. Ораёпмалардаги полларнинг қиялиги ўзгарувчан қалинликдаги стяжка орқали, грунтлардаги полларда асос грунтини тегишли режалаштириш орқали ҳосил қилиниши керак.

13. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш хоналарида бўшлиқсиз (қоплама остида ҳаво қатламисиз) полларни лойиҳалаш лозим.

14. Ҳожатхона ва ванна хоналарда пол сатҳи ёндош хоналардаги пол сатҳидан 15 — 20 mm паст бўлиши ёки бу хоналардаги поллар остона билан ажратилган бўлиши керак.

15. Полларнинг деворлар, пардеворлар, устунлар, асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун мўлжалланган пойдеворлар, қувур йўллари ва полдан чиқиб турадиган бошқа конструкцияларга туташган жойларида плитус ўрнатилиши лозим.

Деворлар бўйлаб деформация чоклари бўлмаган, эстетик талаблар ҳамда суюқликлар таъсири паст интенсивликда бўлган хоналарда кечадиган технологик жараёнларда алоҳида

талаблар қўйилмаган ҳолларда, полларнинг деворларга туташган ерларида, герметиклик таъминланган бўлса, плитуслар ўрнатилмасликка йўл қўйилади.

16. Кимёвий чидамли полларда лотоклар, каналлар ва трапларнинг юзасини қоплашда полларни қоплаш учун мўлжалланган материаллар ишлатилиши керак.

17. Маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган, шунингдек ҳайвонлар сақланадиган хоналар полларининг конструкциясида бўшлиқлар бўлмаслиги керак.

18. Бинолардаги поллар қуйидаги юк кўтариш қобилиятига эга бўлиши лозим:

турар жой объектларида — 2 kN;

жамоат биноларида — 5 kN;

саноат бинолари ва омборхоналарни лойиҳалаш учун техник шартлардаги юкларга мос келадиган тўпланган юк таъсиридаги оғишлар — 2 mm дан ошмаслиги.

19. Суюқликларнинг ўртача ва катта интенсивликдаги таъсирига учрайдиган (очиқ стадионлар ва майдончалардаги ёмғир ва эриган қор сувлари) ясси спорт иншоотларининг полларидаги сувларни четга чиқариш учун дренаж тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.


20. Ясси иншоотлар худудидан сувни кетказиш учун ушбу худудда қияликлар бўлиши, шунингдек унда юзаки сувларни тўплаш ва кетказиш учун очиқ лотоклар тизими, ёпиқ қувурлар ва қудуқлар тизими ёки очиқ лотоклар ва ёпиқ сув кетказувчи тизимлар уйғунлашган (комбинация) кўринишдаги қурилмалар лойиҳаланилиши лозим.

21. Ясси очиқ иншоотдаги пол қопламасининг қиялиги 0,5 — 1 фоиз бўлиши керак.

22. Қияликларнинг йўналишлари қуйидагича бўлиши зарур:

теннис корти, волейбол ва бадминтон учун майдончаларнинг кўндаланг ўқидан қуйидаги 1(А)-расмда келтирилгандек;

баскетбол, футбол, қўл тўпи ва бошқа майдончаларнинг бўйлама ўқидан қуйидаги 1(Б)-расмнинг ёки чодирсимон 4 томонга қуйидаги 1(В)-расмда келтирилгандек.



1-расм. Қияликларнинг йўналишлари

23. Спорт иншоотлари полларидаги лотоклар ва каналлар панжарали қопқоқлар билан ёпилган бўлиши лозим.

24. Спортнинг ўйин турлари учун (футбол, волейбол, баскетбол, теннис) мўлжалланган залларнинг поллари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

зарбни ютишлик — 53 фоиздан кам бўлмаслиги;

стандарт деформация (нуқтага 1500 N га тенг куч билан зарб юки тушганида, пол қопламасининг эгилиш қийматини тавсифлайдиган параметр) — 2,3 mm дан кам бўлмаслиги;

W 500 фактори (юк таъсир қиладиган нуқтадан 500 mm масофадаги деформацияни тавсифлайдиган параметр) — стандарт деформациянинг 15 фоиздан кам бўлмаслиги;

тўпнинг урилиб қайтиши (сақраши) — 90 фоиздан кам бўлмаслиги;

думалатишдаги босим — 1500 N дан кам бўлмаслиги.

25. Полларга чанг чиқармаслик, текислик, антистатиклик ва (ёки) учкун чиқармаслик бўйича қўйиладиган талаблар технологик жараённинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши лозим.

26. Керамик плитка билан қопланган иситиладиган поллар кишилар оёқ яланг юрадиган зоналар, ванналар ва бассейнларнинг периметрлари бўйлаб айланма йўлаклар (очиқ бассейнлар бундан мустасно), кийиниш жойлари, душхоналарда бўлиши керак.

Пол юзасининг ўртача ҳарорати 21 — 23 °C даражада ушлаб турилиши лозим.

27. Манфий ҳароратда совутиладиган хоналардаги поллар пол тагига асос бўлган грунтларнинг музлашини олдини олиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши, бунда ШНҚ 2.09.15-23 ва ШНҚ 2.01.04-18 талабларига мувофиқ сунъий иситиш тизимларини қўллаш, термоизоляция ва бошқа ҳимоя тизимлари билан таъминланиши зарур.

4-боб. Ёнғин хавфсизлиги

28. Функционал ёнғин хавфлилик синфи Ф5 бўлган хоналарга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ енгил алангаланувчи суюқликлар ишлаб чиқариладиган, қўлланиладиган ёки сақланадиган портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича тоифалари А, Б ва В1 бўлган хоналарнинг поллари ЁНМ (ёнмайдиган) ёки Ё₁ (кучсиз ёнувчан) ёнувчанлик гуруҳидаги материаллардан лойиҳаланиши лозим.

29. Оловнинг пол юзаси бўйлаб тарқалиш кўрсаткичлари 30 қаватгача бўлган биноларда 0,5 W/cm² дан (40 см дан кам) ва 30 қаватдан ортиқ бинолар учун 0,7 W/cm² дан кўп бўлмаслиги (30 см дан кам) шарти билан гилам қопламали полларни, шунингдек ёнмайдиган материаллар гуруҳига кирмайдиган бошқа материаллардан ясалган гилам қопламаларни (зинапоя катакларидан ташқари) эвакуация йўлларида қўлланилишига йўл қўйилади.

30. Бир вақтнинг ўзиде 50 кишига мўлжалланган хоналарда гилам қопламаси бўйлаб пол юзасида оловнинг тарқалиш кўрсаткичи 0,25 W/cm² дан (60 см дан кам) ошмаслиги ва бир вақтнинг ўзиде 500 кишига мўлжалланган хоналарда эса 0,7 W/cm² дан (30 см дан кам) ошмаслиги лозим.

31. Очиқ майдончалар ҳамда портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўйича ишлаб чиқариш тоифаси А, В, «В1-В4» бўлган хоналарнинг пол қопламалари учкун чиқармайдиган материаллардан лойиҳаланилиши керак.

5-боб. Пол қопламалари

32. Ишлаб чиқариш объектларидаги пол қопламасининг тури ушбу ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ полларга қўйиладиган махсус талаблар ҳамда механик, суюқ ва иссиқлик таъсирининг тури ва интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

33. Турар жой объектлари ва жамоат биноларидаги пол қопламалари мазкур ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ лойиҳаланилиши керак.

34. Яхлит қопламалар материаллари ва пол қопламалари плиталарининг қалинлиги ва мустаҳкамлиги ушбу ШНҚнинг 1-иловасининг 4-жадвали бўйича аниқланиши лозим.

35. Қувурларни бетон қопламаларда уларни бевосита бетон асос бўйлаб ўрнатганда, (қувурларни ёпиш учун оралик стяжкасиз) пол қопламасининг қалинлиги қувур диаметрига 45 mm кўшилганидан кам бўлмаслиги зарур.

36. Цементли боғловчи асосидаги қопламаларнинг бетон асос билан бирикиш (узилишга қарши) мустаҳкамлиги бетоннинг 28 h лик даврида 0,75 МПа дан кам бўлмаслиги,

шунингдек қотган (бетон) қоришманинг бетон асос билан боғланиш мустаҳкамлиги 7 кундан кейин лойихада кўрсатилган мустаҳкамликка нисбатан 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

37. Бетон қопламали ва иссиққа чидамли бетон қопламали полларнинг умумий қалинлиги полга таъсир кўрсатадиган юклар, қўлланадиган материаллар ва асос грунтининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойихаланилиши, бироқ бетон асосининг қалинлиги 120 mm дан кам бўлмаслиги зарур.

38. Чорвачилик биноларида ҳайвонларни тўшамасиз сақлашда пол қатламининг иссиқликни ўзлаштиришини таъминлаш учун ишлатиладиган қуйидаги поллар иссиқлик сақлайдиган қатлам устидан қопланиши ва сиқилишга мустаҳкамлиги 20 МПа босимдан кам бўлмаслиги лозим:

латекс цемент қопламали енгил бетондан ясалган монолит;
оҳак-керамзит;
керамзит шағалли.

39. Иссиқликка чидамли бетон плиталарнинг қалинлиги ва арматураланиши деформацияланадиган асосда полга ноқулай тушадиган юклар таъсиридаги конструкцияларнинг ҳисоблари бўйича қабул қилиниши керак.

40. Тахталар, рейкалар, паркет тахталари ва шчитларидан бажарилган қопламалар остидаги ҳаво бўшлиғи вентиляция ва тутун йўллари билан боғланмаган бўлиши, бунда юзаси 25 m² дан ортиқ хоналарда эса қўшимча равишда тахталардан ясалган (4-5)х(5-6) m ўлчамдаги пардадеворлар билан ажратилган бўлиши лозим.

41. Инсон учун қулай шароитни таъминлаш ва асбоб-ускуналарни 5 kW дан ортиқ кучланишли электр зарядларидан ҳимоялаш мақсадида турар жой объектлари ва жамоат бинолари хоналаридаги полларнинг қопламасининг сирт электр қаршилиги 106 — 109 Ом чегараларида бўлган полимер антистатик материаллардан бўлиши керак.

42. Саноат биноларининг хоналарида инсонлар учун қулай шарт-шароитлар таъминланиши, шунингдек электр асбоб-ускуналарни 2 kW дан ортиқроқ кучланишли электр зарядларидан ҳимоялаш учун поллар электр тарқатувчи қопламалар билан қопланиши, бунда пол қопламасининг юзаси ва ерга уланиш тизими ўртасидаги электр қаршилиқ катталиги 5·10⁴ дан 10⁷ Ом оралиғида бўлиши лозим.

43. Газ, чанг, суюқлик ва бошқа моддаларнинг портловчи аралашмалари ҳосил бўладиган концентрацияларда, предметлар полга урилганда учкун пайдо бўладиган ёки статик электр токининг чиқиши портлаш ёки ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган хоналарнинг поллари зарбли таъсирларда учкун ҳосил қилмайдиган электр тарқатувчи қоплама билан қопланган бўлиши, бунда пол қопламасининг юзаси ва ерга уланиш тизими ўртасидаги электр қаршилиқ катталиги 5·10⁴ дан 10⁶ Ом оралиғида бўлиши зарур.

44. Тозалиқ синфлари бўйича таснифланадиган «тоза» ва «ўта тоза» хоналарда поллар пол қопламасининг юзаси ва ерга уланиш тизими ўртасидаги электр қаршилиқ катталиги 5·10⁴ дан 10⁷ Ом гача келадиган электр тарқатувчи полимер қопламадан бажарилиши керак.

Тозалиқ синфлари бўйича таснифланадиган хоналар синфи ГОСТ ИСО 14644-1-2002 га мувофиқ аниқлашини зарур.

45. Пол қопламаси юзасидан статик электрни қайтариш учун электр тарқатувчи пол қопламасининг тагида бинонинг ерга уланиш тизимига бириктирилган электр қайтарувчи контур жойлаштирилиши лозим.

46. Полларга чанг ажралишига кўра юқори талаблар қўйилганда, қуйидаги пол қопламалари қўлланиши лозим:

«кам чанггидиган» (ейилиши 0,4 g/cm² дан ортиқ эмас);
«чангсиз» (ейилиши 0,2 g/cm² дан ортиқ эмас).

Пол қопламасининг юзасини мазкур ШНҚнинг 3-иловасига мувофиқ пардозлашга йўл қўйилади.

47. Пол қопламасининг ейилиши яхлит пол қопламалари учун чангсизлик синфи қуйидагилардан ошмаслиги керак.

1000 бўлган хоналарда — 0,06 g/cm² дан;
10000 бўлган хоналарда — 0,09 g/cm² дан;
100000 бўлган хоналарда — 0,12 g/cm² дан;

линолеумли пол қопламалари учун эса мос равишда — 50 mkm, 90 mkm ва 100 mkm дан.

48. Чангсизлик синфи 1000 ва 10000 бўлган синф хоналарида бириктирилаётган ленолеум қирралари елимланган бўлиши лозим.

49. Пол қопламасининг юзаси текис бўлиши, бунда икки метрли назорат рейкаси билан текширилаётган юза орасидаги тирқиш қуйидаги ўлчамлардан ошмаслиги керак:

полимер мастикали, тахта, паркет, ламинацияланган паркет, линолеум, синтетик толалар асосидаги ўрамли материалли қопламаларда — 2 mm дан;

бетон (барча турдаги), кsilолит, цемент-қум қоришмаси, поливинилацетатцемент-кипиқ таркибли, бетон плиталар (барча турдаги), сопол, сопол-гранит, тош, резина, чўян ва пўлатдан тайёрланган, шунингдек қоришмага терилган ғиштли қопламаларда — 4 mm дан;

чўян плиталар ва қум қатламли ғишт қопламаларда — 6 mm дан.

50. Пол қопламаси юзасининг йўл қўйилган қияликдан оғиши хоналарнинг ўлчамларига нисбатан 0,2 фоиздан ошмаслиги, бироқ 20 mm дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

6-боб. Пол қопламаларини лойиҳалаш

51. Полларни қоплаш учун ишлатиладиган тахталарнинг қалинлиги 29 mm, паркет тахталарники эса камида 25 mm бўлиши керак.

52. Паркет тахталари орасидаги тирқишлар 0,5 mm ва донали паркетнинг қўшни планкалари орасидаги тирқишлари 0,3 mm бўлиши лозим.

53. Паркет тахтасининг елимлаш майдони 80 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

54. Қаватлараро ёпмалардаги полларнинг зарба ва ҳаво шовқинларидан изоляциясини яхшилаш учун қуйидаги чоралардан бирини қўллаш керак:

ёғоч кипиқли плиталардан йиғма стяжка, фанера листлари ёки гипс толали листларда пол қопламаларини ётқизишни;

қуйма (яхлит) ёки йиғма стяжкалар остида зичлиги 150 kg/m³ гача бўлган синтетик боғланган минералпахта плиталари ва шиша толали плиталардан, зичлиги 150 kg/m³ гача бўлган минералпахта гиламлари эса зичлиги 25 дан 50 kg/m³ гача бўлган пенополистирол плиталар, керамзит ва кварцли қумлардан иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган қатламларни тайёрлашни;

йиғма ёки қуйма (яхлит) текисловчи қатламлар ва паркет қопламаси ўртасида рулонли иссиқлик ва товуш изоляция материалларининг оралиқ қатламини амалга оширишни.

55. Қалинлиги 140 mm дан ортиқ бўлган ковакли темир-бетон ораёпмадаги поллардалага остига қалинлиги 12 дан 20 mm гача ва кенлиги 100 дан 120 mm гача бўлган лентасимон кистирма ёки зичлиги 250 дан 350 kg/m³ гача бўлган ёғоч кипиқли плиталар жойлаштириш керак.

Агар темир-бетон оралиқ ёпмаларнинг қалинлиги 140 mm дан кам бўлса, қўшимча равишда (полнинг товушдан изоляциясини ошириш учун) қуруқ қумдан қалинлиги 20 mm гача бўлган қумли тўшама, қалинлиги 300 mm дан 350 mm гача бўлган ёғоч толали ёки ёғоч кипиқли плиталар қўйилиши лозим.

56. Лагалар деразалардан ёруғлик йўналишига қўндаланг равишда ва ўтиш жойи бўйлаб одамлар ҳаракатининг маълум бир йўналиши бўлган хоналарда (масалан, йўлаклар) ётқизилиши, бунда тахтали қопламалар ушбу йўналишлар бўйлаб жойлашиши, лагалар ва деворлар орасида 20 mm дан 30 mm гача тирқиш қолдирилиши керак.

57. 40 mm қалинликдаги лагалар оралиғи 0,9 m ва қалинлиги 50 mm ли лагалар оралиғи 1,1 m дан ошмаслиги лозим.

58. Деворлар ва пардадеворлардаги эшик ўринлари бўлган жойларда қўшни хоналардаги пол қопламасининг лагага таянишини таъминлаш мақсадида ҳар иккала томондан 50 mm га чиқиб турувчи узунроқ лага ўрнатилиши лозим.

7-боб. Синтетик рулонли ва улар асосидаги материаллардан тайёрланган қопламалар

59. Антисептик хусусиятларига эга бўлган, алкид линолеумлари мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари бинолари, шифохоналарда, шунингдек турар жой объектларида қўлланилиши керак.

60. Иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган асосда поливинилхлоридли линолеумдан тайёрланган қопламалар ва кимёвий толалар асосидаги гиламли линолеум қопламалари учун иссиқлик ўзлаштириш кўрсаткичлари $12 \text{ W}/(\text{m}^2 \text{ K})$ дан, гиламли қопламалар учун эса $11,6 \text{ W}/(\text{m}^2 \text{ K})$ дан кўп бўлмаслиги лозим.

Зарбий шовқинни камайтириш индекси камида 18 dB бўлиши зарур.

61. Линолеум ва синтетик гиламлардан ясалган полларнинг асослари бетон асосли, темир-бетон оралиқ ёпмали, цемент қумли, гипсли ёки енгилбетонли текисловчи қатлам (стяжка) ҳамда икки томонлама гипс толали листлардан йиғма текисловчи қатлам (стяжка), ёғоч қипиқли плита ва фанера листларидан бўлишига йўл қўйилади.

62. Линолеум, синтетик плиткалар ёки гиламли қопламали полли хоналарда пол сатҳи даражасидаги ҳаво ҳарорати $15 \text{ }^\circ\text{C}$ дан паст бўлмаслиги, шунингдек ҳаво намлиги 60 фоиздан ошмаслиги керак.

63. Линолеум, синтетик плиткалар ва синтетик тукли гиламлар пастки қатламга бутун юза майдони бўйича бир текис ёпиштирилган бўлиши, елимлаш қатламининг қалинлиги 0.8 mm дан ошмаслиги зарур.

8-боб. Плитка материаллардан тайёрланган қопламалар

64. Пол қопламалари учун керамик плиткалар, табиий тош плиткалари ва керамомармарлардан фойдаланиш лозим.

65. Керамик, табиий тош плиткалар ва керамомармар материаллардан тайёрланган қопламалар бетон асосга, темир-бетон оралиқ ёпмалар эса цемент қумли ёки ўзидан текисланадиган текисловчи қатлам устига ётқизирилиши лозим.

Керамик плиткали қопламалар кўшимча равишда икки қаватли гипс толали листлардан тайёрланишга йўл қўйилади.

66. Керамик плиткали қопламаларни полимер-цемент елимли ва цемент-қумли қоришма ёрдамида $5 \text{ }^\circ\text{C}$ дан паст ва полимер елимли моддаларни ишлатганда эса $10 \text{ }^\circ\text{C}$ дан паст бўлмаган ҳаво ҳароратида тайёрлаш лозим.

9-боб. Қуйма тош, кислотага чидамли плиткалар ва ғиштлардан тайёрланган қопламалар

67. Кислотага чидамли керамик плиткаларнинг қалинлиги қуйидагича бўлиши керак:
паст интенсивликда — 15 дан 20 mm гача;
ўртача интенсивликда — 30 дан 35 mm гача;
механик юқларнинг сезиларли интенсивлигида — 50 mm.

68. Ғишт ва плиткаларни кимёвий чидамли мастика тўшамасига териш керак. Бунда, кислотага чидамли плиткалар учун бундай мастика сифатида эпоксидли юқори эластик елим қўлланилиши ҳамда чокларни тўлдиришда плиткалар учун мўлжалланган эпоксид елимдан фойдаланилиши лозим.

69. Пол қопламаларини ўрнатиш 10 C ҳаво ҳароратидан паст бўлмаган шароитда амалга оширилиши керак.

70. Агрессив суюқликларни тўплаш ва тўкиш учун мўлжалланган каналлар, лотоклар ва ўйик (чуқур)лар пол қопламасини ўрнатишдан олдин изоляция қилиниши, ушбу конструкцияларнинг изоляцияловчи қопламаси пастдан бошланиши ҳамда унинг устига пол қопламаси ўрнатилиши лозим.

71. Плитка ва ғиштларни теришда полимер қоришма билан текисланадиган полоса камида 1 m узунликда бўлиши ҳамда териладиган плитка ёки ғишт қаторининг кенглигидан 40 — 50 mm га кенгроқ бўлиши керак.

Плиткалар ва ғиштлар орасидаги чоклар уларни териш вақтида қоришмани босиб жойлаштириш билан тўлдирилиши, чокларнинг кенглиги ғиштлар учун 5 mm дан, плиткалар учун 3 mm дан ошмаслиги лозим.

72. Чоклар мастикалар билан тўлдирилиши, бунда уларни тўлдириш чуқурлиги қуйидагилардан кам бўлмаслиги зарур:

қалинлиги 50 mm дан ортиқ бўлган ғишт ва плиткалар учун 20 mm;

қалинлиги 20 дан 30 mm гача бўлган плиткалар учун 15 mm.

73. Тозаланмаган (нотекис) жойларга қалинлиги 20 mm дан кам бўлган плиткаларни ётқизишга йўл қўйилмайди.

74. Плиткалар хонанинг деворларига параллель равишда 20 mm дан 25 mm гача қалинликдаги кислотага чидамли қоришмага ётқизилиши керак.

75. Кислоталарга чидамли йиғма ва плиткали қопламаларни лойиҳалашда суюлтирилган шиша, кремнийли натрий, зичлантирувчи қўшимчалар, шунингдек кислотага бардошли чақиқтош, кум ва минерал кукунлардан тайёрланган бетонлардан ушбу ШНҚнинг 2-жадвали (кислотага чидамли ва плиткали қопламаларнинг нисбати)га мувофиқ фойдаланилиши лозим.

2-жадвал

Вазифаси	Таркиби					
	Суюлтирилган шиша	Натрий кремнефторли	Чақиқтош	Кум	Минерал кукун	Қўшимчалар
Қопламалар ва пастки қатлам учун кислотага чидамли бетон	1	0,18	3,4	1,7	1,7	0,03
Донали материаллардан тайёрланган қопламалар ва чокларни тўлдириш учун маркаси 150 дан кам бўлмаган кислотага чидамли қоришмалар	1	0,18	-	1,7	1,7	0,03

10-боб. Бетон қопламалар

76. Қалинлиги 50 mm дан ортиқ бўлган пол қопламаларида кўндаланг ва бўйлама йўналишда қадами 3 m дан 6 m гача бўлган ораликда деформация чокларини таъминлаш лозим.

77. Бетон қопламаларидаги деформация чоклари қоплама қалинлигининг 1/3 қисмида, бироқ 40 mm дан кам бўлмаган чуқурликда таъминланиши ва оралик ёпмаларнинг туташган жойлари, пастки қатламдаги деформация чоклари, шунингдек арматуралаш чегаралари билан мос келиши керак.

Деформация чокларининг кенглиги 3 mm дан 5 mm гача бўлиши лозим.

78. Бетон қопламалари учун йирик тўлдирувчиларнинг сарфи (майдаланган тош, чақиқ тош, мармар тоши) 1 m³ бетонга 0.8 m³, кум эса йирик тўлдирувчилардаги бўшлиқлар ҳажмининг 10 фоиздан 30 фоизгача бўлиши керак.

79. Учкун ҳосил қилмайдиган бетон қопламалар учун оҳақтошдан олинган тош ва кум, пўлат ёки тош буюмлари билан урилганда учкун ҳосил қилмайдиган мармар ва бошқа тоза тош материалларидан фойдаланиш лозим.

80. Бетонли пол қопламаларини титратиш ва вакуумлаш услублари билан тайёрлаш лозим.

81. Мозаик-бетонли қопламалар икки қатламда амалга оширилиши керак.

Пастки қатлам қалинлиги 10 mm дан 50 mm гача бўлган цемент қумли қоришма ва устки қатлам ташқи механик таъсирларни интенсивлигига кўра қалинлиги 20 mm дан 30 mm ли мозаика аралашмасидан бўлиши, бунда бетон асос ёки стяжкада 40 mm қалинликдаги пастки қатламни ва узлуксиз иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган қатламларда 50 mm ли қатлам ҳосил қилиши керак.

82. Пол конструкциясида қувурлар бўлса пастки қатламнинг қалинлиги қувур диаметридан 25 mm га катта бўлиши керак.

83. Пастки қатламдаги цемент қумли қоришма ва мозаика қопламаларининг сиқилишга мустаҳкамлиги 20 Н/мм² (МПа) дан кам бўлмаслиги керак.

84. Бетон полларини тайёрлаш ишлари пол юзасидаги ҳаво ҳарорати камида 5 °С дан кам бўлмаган шароитларда амалга оширилиши, бунда ушбу ҳарорат бетоннинг лойиҳадаги мустаҳкамлиги 50 фоизга етгунча сақланиши лозим.

85. Йирик тўлдирувчи сифатида 15 mm дан катта ва қоплама қалинлиги 0,6 mm дан ортиқ бўлмаган майдаланган чақиқ тош ишлатилиши у камида чегаравий мустаҳкамлиги сиқилишга 60 Н/мм² (МПа) га эга сайқалланган жинслардан (яхши сайқалланган мрамор) тайёрланиши мазкур чақиқ тош 2,5 — 5 : 5 — 10 : 10 — 15 фракциялар нисбати 1 : 1 : 1 нисбатга тенг қилиб қабул қилиниши керак.

11-боб. Металл қопламалар

86. Кучли зарба юклари эҳтимоли мавжуд бўлган ёки ҳарорат таъсири остидаги хоналарда (саноат бинолари ва ишлаб чиқариш объектлари) чўян ёки пўлат плиталардан ясалган металл поллар ишлатилиши зарур.

87. Чўян ёки пўлат плиталар 250 x 250 mm ёки 300 x 300 mm ўлчамдаги бўртма чизиқли юзага эга бўлиши лозим.

12-боб. Оралиқ қатлам

88. Оралиқ қатлам турини танлаш полларга таъсир қилиш турига кўра ушбу ШНҚнинг 4-илоvasи талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

89. Елимланадиган композициялар пол қопламасининг материалларига мос келиши ҳамда бетон, цемент-қум ёки гипс асосга ётқизиладиган қопламаларнинг кўчириб олишдаги ёпишқоқлик мустаҳкамлиги (адгезияси) таъминланиши, бунда ушбу кўрсаткич қоплама материалининг турига кўра қуйидаги катталиклардан кам бўлмаслиги лозим:

полимер елимларга ётқизиладиган паркет қопламалар ва линолеум — 0,3 МПа;

цемент елимларга ётқизиладиган сопол плитка, сопол-гранит, табиий тош плиталар — 0,5 МПа;

полимер елимларга ётқизиладиган сопол плитка, сопол-гранит, табиий тош плиталар — 2,0 МПа.

90. Оралиқ қатламнинг қалинлиги материалнинг турига кўра қуйидагича бўлиши керак:

цемент-қум қоришмаси ва зичлайдиган кўшимчали суюқ шиша асосидаги қоришмадан — 10 — 15 mm;

донали материаллардан бажарилган қопламалар учун полимерли қоришмалар билан тўлдириш — 3-4 mm;

плиткани ёпиштириш учун иссиқ битум мастикаси ва цемент асосидаги елимли композициядан — 2-3 mm;

паркетни ёпиштириш учун елимли композициядан — 1,0 mm дан ортиқ бўлмаслиги;

рулонли материалларни ёпиштириш учун елимли композициядан — 0,8 дан ортиқ бўлмаслиги;

синфи В30 дан паст бўлмаган майда донали бетондан — 30 — 35;

қум ва иссиқлик изоляцияловчи материаллардан — 60 дан кам бўлмаслиги.

91. Суюқликлар таъсирига учрайдиган поллар учун қум ва иссиқлик сақлайдиган материаллардан тайёрланган оралиқ қатламларнинг қўлланишига йўл қўйилмайди.

92. Полимер цемент қатламларининг қалинлиги 2 mm дан 3 mm гача бўлиши керак.

93. Полимер қатламларининг қалинлиги 3 mm дан 4 mm гача бўлиши лозим.

94. Эластик қатлам сифатида кўпикли полиэтилен ва полипропиленли, поролон листлари, гофрали қалин қоғоз (картон) ва бошқа материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади.

13-боб. Гидроизоляция

95. Оқова сувлар ва бошқа суюқликларнинг ўтиб кетишидан гидроизоляция қилиш суюқликлар полга фақат ўртача ва катта интенсивликда таъсир кўрсатганда қуйидагилардан гидроизоляция қилиниши керак:

сув ва нейтрал эритмалардан (ораёпмалардаги полларда асоснинг чўкувчан ва шишувчан грунтларида, шунингдек иситилмайдиган хоналардаги пол асосининг кўпчидиган грунтларидаги полларда);

органик эриткичлар, минерал мойлар ва улардан тайёрланган эмульсиялардан — (ораёпмалардаги полларда);

кислоталар, ишқорлар ва уларнинг эритмалари, шунингдек ҳайвонлардан олинган моддалардан (грунт ва ораёпмалардаги полларда).

96. Пол конструкциялари, лотоклар ҳамда ариқлар деворлари, асбоб-ускуналар учун пойдеворлар усти, шунингдек полнинг ушбу конструкцияларга туташ жойларида оқова сувлар ва бошқа суюқликларнинг ўтиб кетишидан гидроизоляция амалга оширилиши керак.

97. Полнинг деворлари, асбоб-ускуналар учун пойдеворлари, қувурлар ҳамда полдан туртиб чиққан жойлари ва бошқа конструкцияларга туташган жойларида гидроизоляция пол қопламаси сатҳидан камида 200 mm баландликкача, сув оқими деворларга тўғридан-тўғри тушиш эҳтимоли бўлган жойларда, намланадиган баландликкача узлуксиз равишда амалга оширилиши зарур.

98. Оқова сувлар ва бошқа суюқликларнинг ўртача интенсивликда таъсир кўрсатишида гидроизоляция қатламларининг сони материал турига кўра қуйидагича бўлиши керак:

мастикалар билан ёпиштириладиган рулонли битум материаллар, битум ва битум-полимер мастикалар ҳамда цемент асосидаги гидроизоляция қиладиган қоришмаларда гидроизоляция — камида икки қават;

эритиб ёпиштириладиган ва ўзи ёпишадиган рулонли битум материаллар ва полимер рулонли материаллардан гидроизоляция — камида бир қават.

99. Полга суюқликнинг катта интенсивликда таъсир кўрсатишида, шунингдек оқова сувлар учун лотоклар, ариқлар, траплар тагида ҳамда улардан 1 m радиусда гидроизоляция қаватларининг сони қуйидагича оширилиши керак:

мастикаларга ёпиштириладиган рулонли битум материаллар, битум ва битум-полимер мастикалар ҳамда цемент асосидаги химояловчи қоришмалардан гидроизоляция қилишда — камида икки қават;

эритиб ёпиштириладиган ва ўзи ёпишадиган рулонли битум материаллар ва полимер рулонли материаллардан гидроизоляция қилишда — камида бир қават.

100. Полга минерал мойлар, улар асосидаги эмульсиялар ёки органик эриткичларнинг ўртача ёки катта интенсивликда таъсир кўрсатишида битум асосидаги материаллардан ёпиштириладиган, шунингдек полга органик эриткичларнинг ўртача ёки катта интенсивликдаги таъсир кўрсатишида қатрон асосидаги материаллардан гидроизоляцияни қўллашга йўл қўйилмайди.

101. Битум асосидаги материаллардан тайёрланган ёпиштириладиган гидроизоляция юзаси бўйлаб унинг устидан таркибига цемент ёки суюқ шиша кирадиган қопламалар, қатламлар, стяжкалар ётқизилишидан олдин мос равишда битум мастикасини суртиш ва устидан йириклиги 1,5 — 5 mm ли қум сепиш керак.

Завод шароитида қум билан қопланган гидроизоляция материалларидан фойдаланганда қум сепилган битум мастикасини қўлламасликка йўл қўйилади.

102. Бетонли тўшама қатлами тагидаги гидроизоляция қуйидаги ҳолларда қўлланилиши керак:

тўшама қатлам таги грунт сувларининг хавфли капилляр кўтарилиш зонасида жойлашганида;

гидроизоляцияни лойиҳалаштиришда грунт сувларининг кўтарилишига нисбатан хавфли кўтарилиш баландлигида:

чақиқ тош, шағал ва йирик синикли грунтлардан бажарилган асослар учун — 0,25 m га;

йирик қумли асослар учун 0,3 m га;

ўртача йирикликдаги қумли асослар учун 0,5 m га;

чангсимон қум, қумлоқ (супес) тупроқли ва чангсимон қумлоқ тупроқли асослар учун 1,5 m га;

кумоқ (суглинок) тупроқ, чангсимон кумоқ тупроқ ва қумлоқ тупроқ, гилли асос учун 2,0 m га;

тўшама қатлам бино отмосткаси сатҳидан пастда жойлашганида;

сульфат, хлорид, азот, сирка, фосфор, хлорли ва хром кислоталарининг полга ўртача ва катта интенсивликда таъсир кўрсатишида.

103. Гидроизоляциялаш конструкцияси ер ости иншоотлари, ертўла, гаражлар пойдеворлари ва деворларининг гидроизоляцияси билан битта бўлиши лозим.

104. Бетон асос остини гидроизоляция қилишда:

мастикалар воситасида ёпиштириладиган рулонли битум материаллар;

эритиб ёпиштириладиган, ўзи ёпишадиган рулонли битум материаллар ва полимер рулонли материаллар;

грунт бўйлаб бажарилган стяжка қаватига аввалдан қоплаб чиқилган битумли ва битум-полимерли мастикалар;

цемент асосидаги гидроизоляцияловчи қоринчалар билан бир қаторда битум шимдирилган чақиқ тош ёки шағалдан бажарилган қуйма гидроизоляция;

асфальт-бетондан асфальт гидроизоляцияси;

бевосита асос грунтга ётқизиладиган профилланган рулонли полиэтилен мембраналардан бажарилган гидроизоляциялар қўлланишга йўл қўйилади.

105. Полга сув ўртача ва катта интенсивликда таъсир кўрсатадиган (очиқ стадионлар ва майдончалар) ҳамда бетон асослар бўйлаб қоплама ва асос орасида сув ўтказадиган қопламалар ишлатилган ҳолларда дренаж ҳосил қилиш, бунда ер ости дренаж қузури сифатида деформация ва ишчи чоклардан фойдаланиш лозим.

106. Ер ости дренаж қузури ғовакли структурага эга эластик материаллар билан тўлдирилган бўлиши керак.

107. Сув ўтказадиган қопламалар бевосита қаттиқ бўлмаган қатлам (шағал ва чақиқ тош) устидан ётқизишда, ер усти сувларини олиб ташлаш ва ерости сувлари сатҳини пасайтириш учун дренаж лойиҳаланиши лозим.

14-боб. Иссиқлик ва товуш изоляцияси

108. Иссиқлик изоляциясининг қалинлиги ШНҚ 2.01.04-18 талабларига мувофиқ белгиланиши керак.

109. Товуш изоляциясининг қалинлиги ҚМҚ 2.01.08-19 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

110. Полга 2 kN дан каттароқ тўпланган юк таъсир кўрсатганида, иссиқлик ва товуш изоляциясини ташкил қилишда ҳисобий юк таъсирида сиқилмайдиган материаллар қўлланиши керак.

111. 23 °C гача ҳарорат билан иситиладиган хоналарда грунт устига қуриладиган пол қопламасини жойлаштиришда бино ётқизмасидан (отмосткаси) 0,5 m гача юқорида ёки пастда унинг ташқи деворлар ва иситиладиган хоналарни иситилмайдиган хоналардан ажратадиган деворларга бириккан зоналарида қуйидаги ҳолларда полда иситиш қопламаси бўлиши зарур:

ишлаб чиқариш хоналарида ўтириб ёки туриб бажариладиган ва систематик жисмоний кучланиш ёки оғир предметларни кўтариш ва кўчириш талаб қилинмайдиган ишларда (енгил ишларда);

турар жой объектлари ва жамоат биноларининг одамлар доимий равишда бўладиган хоналарида.

112. Пол қопламаси нишаб йўлка (отмостка)дан 0,5 m дан баландроқда жойлашган бўлса грунт бўйлаб пол тўшашга йўл қўйилмайди.


Бундай ҳолларда ертўла қуришга йўл қўйилади.

113. Грунт бўйлаб ётқизилган полни изоляциялаш учун полга эни деворлардан 0,8 m келадиган намликка чидамли иситкич (масалан, зичлиги 40 kg/m^3 дан кам бўлмаган пенополистирол) тўшалади, бунда иситкичнинг қалинлиги ШНҚ 2.01.04-18 бўйича ушбу қаватнинг термик қаршилиги ташқи деворнинг термик қаршилигидан кам бўлмаслик шартидан келиб чиқиб аниқланиши керак.

114. Ертўлалари бўлмаган бир хонадонли турар жой объектларида полларни изоляциялаш ушбу ШНҚнинг 113-банди бўйича амалга оширилиши лозим.

115. Пол қопламаси нишаб йўлка (отмостка)дан 0,5 m дан баландроқда жойлашган ертўла мавжуд бўлган ҳолларда пол унинг бутун майдони бўйлаб иситилиши лозим. Бунда, иситкич қалинлиги ШНҚ 2.01.04-18 бўйича, ушбу қаватнинг термик қаршилиги ташқи деворнинг термик қаршилигидан кам бўлмаслик шартидан келиб чиқиб аниқланиши керак.

116. Икки ёки ундан ортиқ қатламлардан фойдаланганда вертикал чоклар усма-уст тушмаслиги, бунда плиткаларнинг кўндаланг йўналишда камида 300 mm силжиши билан қатламларни ётқизиш лозим.



2-расм. Иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган пенополистирол плиткаларнинг схемаси

15-боб. Текисловчи қатлам (стяжка)

117. Текисловчи қатламлар(стяжка)ни қуйидаги ҳолларда қўллаш лозим:

сирт қатлам юзасини текислашда;

кувурларни ёпишда;

юкларни иссиқлик ва товуш изоляцияси қатламлари бўйича тақсимлашда;

полнинг меъёрлаштирилган иссиқлик ўзлаштиришини таъминлашда;

ораёпмалар полларида қиялик ҳосил қилишда.

118. Текисловчи қатлам (стяжка) оқова сувлар учун лотоклар, ариқлар ва трапларга туташган ерларида қиялик ҳосил қилиш учун энг кам қалинликдаги ораёпма плиталари бўйлаб ётқизилганда 20 mm ни, иссиқлик ёки товуш изоляцияси қатлами билан

ётқизилганида 40 mm ни ташкил қилиши, қувурларни ёпиш учун текисловчи қатлам (стяжка) қалинлиги қувур диаметридан 10 — 15 mm ортиқроқ бўлиши лозим.

119. Текисловчи қатлам (стяжка)лар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

пастки қатлам юзасини текислаш ва қувурларни ёпиш учун, бунда сиқилишга мустаҳкамлиги В 7,5 дан паст бўлмаган синфли бетон ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 15МПа (150 кгс/см²) дан паст бўлмаган цемент-қум қоришмасида;

ораёпмада қиялик ҳосил қилиш учун, бунда сиқилишга мустаҳкамлиги В 7,5 дан паст бўлмаган синфли бетон ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 10МПа (100 кгс/см²) дан паст бўлмаган цемент-қум қоришмасида;

қуйма полимер қопламалар остига, бунда сиқилишга мустаҳкамлиги В 15 дан паст бўлмаган синфли бетон ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 20МПа (200 кгс/см²) дан паст бўлмаган цемент-қум қоришмасида.

120. Полнинг меъёрланган иссиқлик ўзлаштиришини таъминлаш учун бажарилган енгил бетонли текисловчи қатлам (стяжка)ларнинг сиқилишга мустаҳкамлиги бўйича В5 синфига, ғовакли цемент-қум қоришмаси эса сиқилишга мустаҳкамлиги бўйича 5 МПа га мос келиши керак.

121. Иссиқлик ва товушни изоляция қилувчи эластик қатлам устидан тўшаладиган текисловчи қатлам (стяжка)лар сиқилишга мустаҳкамлиги В 15 дан паст бўлмаган синфли бетондан ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 20 МПа дан паст бўлмаган цемент боғловчили курук қурилиш пол аралашмаларининг цемент-қум қоришмаларидан тайёрланиши лозим.

122. Полга 2 kN (200 kgf) дан ортик бир ерга тўпланган юк таъсирида иссиқлик ва товушни изоляция қилувчи қатлам устидан бетон қатлам ётқизилиши керак.

Бунда, унинг қалинлиги ушбу қатлам деформациясини чиқариб ташлаш шартидан келиб чиқадиган ҳисоблар асосида белгиланиши лозим.

123. Пастда ётган қатлам юзасини текислаш учун қўлланадиган цемент боғловчили курук қурилиш пол аралашмалари асосидаги ўзи зичланадиган дисперс қоришмалардан тайёрланган монолит текисловчи қатлам (стяжка)ларнинг қалинлиги композиция таркибидаги тўлдиргич максимал диаметрининг 1,5 қисмидан кам бўлмаслиги зарур.

124. Цемент боғловчи асосидаги 28 кунлик текисловчи қатлам (стяжка)ларнинг бетон асосдан кўчириб олишга бўлган уланиш мустаҳкамлиги (адгезияси) 0,6 МПа дан кам бўлмаслиги, қотган қоришманинг (бетондан) бетон асос билан улашиш мустаҳкамлиги 7 кундан кейин лойихалаштирилганига нисбатан 50 фоиз дан кам бўлмаслиги лозим.

125. Товушни изоляция қиладиган қистирмалар ва тўкмалар устидан бажарилган текисловчи қатлам (стяжка)ларнинг бошқа конструкциялар (деворлар, пардеворлар, ораёпмалар орқали ўтадиган қувурлар) билан туташган ерларида текисловчи қатлам (стяжка)нинг бутун қалинлиги бўйлаб эни 25 — 30 mm келадиган ва товушни изоляция қиладиган материал билан тўлдириладиган тирқишлар бўлиши лозим.

126. Нам жараёнларни бартараф этиш ҳамда иссиқлик ўзлаштиришини таъминлаш мақсадида гипс толали, ёғоч-параха ва цемент-параха листлари ёки фанералардан йиғма текисловчи қатлам (стяжка)лар қўлланиши керак.

